

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.08/2025.27.12.Qx.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА ДИЛДОРА УЛУҒБЕКОВНА

**ЖАНУБИЙ МИНТАҚАЛАРДА ШИРИН МАККАЖЎХОРИНИНГ
ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ ВА
ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ (ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР МИСОЛИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Файзуллаева Дилдора Улугбековна

Жанубий минтақаларда ширин маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши,
ҳосилдорлигига экиш ва ўғитлаш меъёрларининг таъсири (Қашқадарё
вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар мисолида)..... 3

Файзуллаева Дилдора Улугбековна

Влияние норм посева и внесения удобрений на рост, развитие и
урожайность сладкой кукурузы в южных регионах (на примере светло-
серозёмных почв Кашкадарьинской области)..... 21

Fayzullayeva Dildora Ulugbekovna

The effect of sowing and fertilization rates on the growth, development, and
yield of sweet corn in southern regions (on the example of light-sierozem soils in
the Kashkadarya region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.08/2025.27.12.Qx.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА ДИЛДОРА УЛУҒБЕКОВНА

**ЖАНУБИЙ МИНТАҚАЛАРДА ШИРИН МАККАЖЎХОРИНИНГ
ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ ВА
ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ (ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИНИНГ ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР МИСОЛИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Qx1124 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сарманов Шерзод Шермухаммадович
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий ошёнентлар: Юлдашева Зулфия Камоловна,
Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор
Жумабоев Зухриддин Муминович,
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти..


Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.08/2025.27.12.Qx.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил « 24 » 04, соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeiti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 49) -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05.

Диссертация автореферати 2026 йил « 10 » 04 куни тарқатилди.
2026 йил « 10 » 04 даги 3 рақамли реестр баённомаси).




Р.И.Сиддиқов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.


М.Я.Джўраев,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, к.х.ф.д., доцент.


С.О.Абдурахмонов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда *Zea mays* турига кирувчи маккажўхори экинлари “дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакатларида йилига 185-205 млн. гектар атрофида экилиб, умумий ҳисобда 1,2 млрд. тоннадан ортиқ ялпи дон ҳосили етиштириб келинаётган бўлсада, ширин маккажўхорининг улуши 2,0-2,5 фоиздан, умумий эгаллаган майдони 4,0-4,5 млн гектардан, ялпи дон ҳосилдорлиги эса 16-20 млн тоннадан ошмайди”¹. Ширин маккажўхорини катта майдонларда етиштирувчи давлатларга “АҚШ (30-35%), Хитой (20-25%), Венгрия (8-10%), Франция (5-7%) ва Бразилия (5-7%) каби мамлакатларни киритиш мумкин бўлиб, ушбу давлатлар дунёда етиштирилаётган дон маҳсулотларининг 68-84 фоизини ишлаб чиқаради”². Бугунги кунда дунё аҳолисини донли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини бир меъёрда қондиришда маҳаллий шароитда яратилган навларни турли табиий иқлим шароитларида мақбул кўчат қалинлигини ҳамда озиқага бўлган талабини аниқлаб, шунга мос равишда агротехник тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунёда ширин маккажўхори етиштиришда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган бир қатор давлатларда ширин маккажўхорининг янги авлод навларини яратиш ва ушбу навларни минтақалар бўйича экиш муддатлари, муддатларга мос равишда мақбул кўчат қалинликлари, шулар асносида озиқага ҳамда суғоришга бўлган талабини ишлаб чиқишга катта аҳамият қаратилиши ортидан “дон ҳосилдорлигини гектарига 120-130 центнергача кўтаришга эришганлар”³. Бу борада қайта ишлаш саноатини озиқ-овқат хом-ашёларига бўлган эҳтиёжларини йил давомида бир меъёрда қондириб боришда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Сўнги йилларда Хукуматимиз томонидан туб ислохотлар олиб борилиши натижасида, фермер ва деҳқон хўжаликларига озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш бўйича эркинликлар берилиги ортидан *Zea mays* турига мансуб экинларнинг умумий майдони 160 минг гектардан ошди ва бунинг 14-15 фоизи айнан ширин маккажўхори хиссасига тўғри келиши нафақат аҳолини, балки қайта ишлаш саноатини ҳам хом-ашёга бўлган эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига 2-боб, I. “Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш” бўйича кўплаб вазифалар белгиланган бўлиб, бу борада илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ <https://www.indexbox.io/blog/maize-world-market-overview-2025>

² <https://www.scienceagri.com/2023/02/top-10-worlds-biggest-maize-producing>

³ <https://ca.atlasbig.com/countries-by-corn-production>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-36-сонли фармони, 2021 йил 22 декабрдаги “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни тадқиқ қилиш, стратегик режалаштириш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-58 сонли, 2025 йил 31 октябрдаги “Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги N ПҚ-322 сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ширин маккажўхори экинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича Республикамиз олимларидан Т.Остонақулов, С.Санаев, Ф.Абдуллаев, Р.Мавланова, С.Х.Нарзиева, Ш.Бурхонов, И.Сапарниязов, И.Рахматов, Х.Назаров, хорижий олимлардан Б.Н.Багринцева, А.С.Елисеев, Н.Ю.Петров, Е.Н.Ефремова, М.И.Ричкова, С.Е.Сидоренко, Н.Ю.Антипова, Е.В.Кашнова Д.Шпаар, Н.Ю.Петров ва бошқалар тамонидан турли минтақалар ва иқлим шароитларида илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ширин маккажўхори навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда турли экиш тизимларида маъданли ўғитлар билан озиқлантиришнинг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот режасининг 2021 йил 23-декабрдаги №1/05 сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Жанубий минтақаларда ширин маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига экиш ва ўғитлаш меъёрларининг таъсири” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2022-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ширин маккажўхори навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш тизими ва маъданли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

уруғ экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар қўллаш меъёрларини ширин маккажўхори навлари уруғларнинг дала унвчанлиги ҳамда кўчат қалинлигига, ўсув даврининг давомийлигига ва ўсиб ривожланишига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар қўллаш меъёрларини ширин маккажўхори навларида барг сатҳининг шаклланишига, биологик қуруқ массаси тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, қуруқ поя ва сўта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар қўллаш меъёрларини ширин маккажўхори навларида ҳосил структурасининг шаклланишига, дон ҳосилдорлигига ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларига ҳамда иқтисодий самарадорлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Оч тусли бўз тупроқ, ширин маккажўхорининг “Замон” ва “Мазза” навлари, уруғ экиш тизимлари, Маъданли ўғитлар меъёрлари.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида ширин маккажўхори навлари урғларини турли экиш тизимларида экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг турли меъёрлари билан озиклантиришни кўчат қалинлигига, ўсув даврининг давомийлигига, ўсиши ва ривожланишига, барг сатҳининг шаклланиши ва биологик қуруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, қуруқ поя ва сўта ҳосилдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланиши, дон ҳосилдорлигига ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларига, етиштириш давомида қўлланилган агротехник тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигига бўлган таъсирини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар ва ҳосилни аниқлашда “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” (1971), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, 2014), “Ўсимликшуносликда илмий тадқиқот ишлари” (ТошДАУ, 2014), услубий қўлланмаларидан фойдаланилган. Доннинг сифат кўрсаткичлари ГОСТ 10842-89 1000 дона дон вазни, ГОСТ 7698-93 крахмал миқдори асосида олиб борилган. Дала тажрибаларида олинган маълумотлар Б.А.Доспехов «Методика полевого опыта» (1985) услубига асосан Microsoft Excel дастури ёрдамида математик статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ширин маккажўхорининг “Замон” ва “Мазза” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш тизими ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари аниқланган;

ширин маккажўхори навлари уруғлари 90x15 тизимда гектарига 74,1 минг туп назарий кўчат қалинлигида экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириш юқори дон ҳосилдорлиги ва иқтисодий рентабелликни таъминлаши исботланган;

уруғларни 90x10 тизимда гектарига 111,1 минг туп назарий кўчат қалинлигида экиш “Замон” навида дон ҳосилдорлигини 1,2-7,0 ц/га гача, рентабеллик даражасини 11,8-16,2 фоизгача, “Мазза” навида дон ҳосилдорлигини 1,0-7,5 ц/га гача, рентабеллик даражасини 10,8-16,3 фоизгача,

уруғларни 90x20 тизимда гектарига 55,5 минг туп назарий кўчат қалинлигида экиш эса “Замон” навида дон ҳосилдорлигини 3,1-9,1 ц/га гача, рентабеллик даражасини 11,4-14,7 фоизгача, “Мазза” навида дон ҳосилдорлигини 3,2-9,2 ц/га гача, рентабеллик даражасини 11,2-14,6 фоизгача камайиб бориши асосланган;

маъданли ўғитлар меъёрларини $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га гача кўтариб бориш дон ҳосилдорлигини маъданли ўғитлар қўлланилмаган вариантга нисбатан 90x10 тизимда экилганида “Замон” навида 38,6 ц/га, “Мазза” навида 38,7 ц/га, 90x15 тизимда экилганида “Замон” навида 44,4 ц/га, “Мазза” навида 44,2 ц/га, 90x20 тизимда экилганида “Замон” навида 38,4 ц/га, “Мазза” навида 38,2 ц/га гача юқори бўлишини таъминлаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ширин маккажўхори навларини ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантириш униб чиққан кўчатларнинг яшовчанлигига ижобий таъсир этиб, маъданли ўғитларнинг $N_0P_0K_0$, $N_{120}P_{100}K_{60}$, $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан уруғлар 90x10 тизимда экилганида “Замон” навида 2,7-6,0 фоизгача, “Мазза” навида 2,8-6,2 фоизгача, 90x15 тизимда экилганида “Замон” навида 2,7-5,0 фоизгача, “Мазза” навида 2,8-4,9 фоизгача, 90x20 тизимда экилганида “Замон” навида 1,7-3,9 фоизгача, “Мазза” навида 1,8-4,3 фоизгача юқори натижа олингани аниқланган;

уруғларни 90x10 тизимда экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантириш ширин маккажўхори навларида биометрик кўрсаткичларининг юқори бўлишига олиб келиб, уруғлар 90x15 ва 90x20 тизимларда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган вариантларга нисбатан “Замон” навида пишиш фазасида поя баландлиги 6,8-8,3 см, куруқ масса тўплаши 34,0-76,6 ц/га, рўваклаш фазасида барг сатҳи 7245,7-15293,5 м²/га гача, “Мазза” навида пишиш фазасида поя баландлиги 9,2-16,1 см, куруқ масса тўплаши 79,2-114,0 ц/га, рўваклаш фазасида барг сатҳи 15121,5-22926,6 м²/га гача юқори натижа кўрсатгани кузатилган;

уруғлар 90x20 тизимда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантириш ширин маккажўхори навларида ҳосил элементларининг шаклланишига ижобий таъсир этиб, уруғлар 90x10 ва 90x15 тизимда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган вариантларга нисбатан бир бона сўта узунлиги “Замон” навида 1,2-2,8 см, “Мазза” навида 1,1-2,8 см гача, бир тупда донлар сони “Замон” навида 53,6-149,1 дона, “Мазза” навида 53,2-148,5 донагача, бир тупда донлар оғирлиги “Замон” навида 19,0-66,5 г, “Мазза” навида 18,6-66,4 г гача, 1000 дона дон оғирлиги “Замон” навида 11,6-59,9 г, “Мазза” навида 11,5-62,1 г гача юқори бўлгани қайд этилган;

ширин маккажўхори навларида юқори дон ҳосилдорлиги уруғлар 90x15 тизимда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган вариантда қайд этилиб, уруғлар 90x10 ва 90x20 тизимларда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га

меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 7,0-9,1 ц/га, “Мазза” навида 6,5-9,2 ц/га гача юқори бўлгани аниқланган бўлса, юқори иқтисодий самарадорлик уруғлар 90x15 тизимда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантда аниқланиб, уруғлар 90x10 ва 90x20 тизимларда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 11,3-13,3 фоизга, “Мазза” навида 14,3-16,3 фоизга юқори натижа кўрсатгани маълум бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижалар билан асосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитига жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги илмий ишнинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида ширин маккажўхори навлари уруғларини турли тизимларда экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг турли меъёрларини қўллашнинг кўчат қалинлигига, ўсув даврининг давомийлигига, ўсиши ва ривожланишига, барг сатҳининг шаклланиши ва биологик қуруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, қуруқ поя ва сўта ҳосилдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланиши, дон ҳосилдорлигига ва доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири ижобий бўлганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ширин маккажўхорининг “Замон” ва “Мазза” навлари уруғлари 90x15 тизимда экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириш дон ҳосилдорлигини “Замон” навида 5,7-6,9 ц/га, “Мазза” навида 7,5-8,7 ц/га гача, рентабеллик даражасини “Замон” навида 11,3-13,3 фоиз, “Мазза” навида 14,3-16,3 фоизгача ортиши бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ва кенг жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилояти шароитида ширин маккажўхори навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш тизими ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар илмий натижалари асосида:

Кластер ва фермер хўжаликлар учун “Қашқадарё вилояти шароитида ширин маккажўхори етиштириш технологияси” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026-йил 20-февралдаги №05/05-03-98-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома Кластер ва фермер хўжаликларида

ширин маккажўхори навларини етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда;

Ширин маккажўхорининг “Замон” ва “Мазза” навлари Қарши тумани “Шаропов Юсуф” фермер хўжалигида 3,3 гектар, “Чориев Мардон Номозович” фермер хўжалигида 2,8 гектар, “Зулфукоров Нуриддин” фермер хўжалигида 2,0 гектар, Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти “Қарши” тажриба хўжалигида 3,0 гектар, Касби тумани “Турдимуродов Абдуқаюм” фермер хўжалигида 3,2 гектар, “Примов Раҳмат Ахмадович” фермер хўжалигида 3,0 гектар, “Чориев Карим Дониёрович” фермер хўжалигида 2,5 гектар, Кўкдала тумани “Ниҳол” фермер хўжалигида 2,0 гектар, “Наймансарой даласи” фермер хўжалигида 2,2 гектар, “Хўжамиёров Бахтиёр Қўлмуродович” фермер хўжалигида 2,5 гектар, жами 26,5 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026-йил 20-февралдаги №05/05-03-98-сон маълумотномаси). Натижада уруғларни 90x15 тизимда экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилганида юқори самарадорликка эришилган;

Ширин маккажўхорининг “Замон” ва “Мазза” навларини 90x15 тизимда экиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари билан озиклантириб етиштириш технологияси Қарши, Касби ва кўкдала туманларида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026-йил 20-февралдаги №05/05-03-98-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали дон ҳосилдорлиги “Замон” навида 57,3 ц/га, “Мазза” навида 59,1 ц/га ни ташкил этиб, рентабеллик даражаси “Замон” навида 74,2 фоизга, “Мазза” навида 79,6 фоизга ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган маҳсус апробация комиссиялари томонидан кўриқдан ўтказилиб, “яхши” ва “қониқарли” баҳоларга баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар асосида 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлари учун чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та жумладан, маҳаллий нашрларда 2 та, хорижий нашрларда 1 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг

устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ширин маккажўхорининг келиб чиқиши ва аҳамияти, озиқ-овқат саноатидаги ўрни, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида, ширин маккажўхори экинининг келиб чиқиши, халқ хўжалигидаги аҳамияти, озуқавийлик қиймати, ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи биотик ва абиотик омилларнинг таъсири, биологияси ва морфологияси, уруғ экиш муддатлари, тизимлари, кўчат қалинлигини ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий натижалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот олиб борилган минтақанинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба даласида қўлланилган агротехник тадбирлар»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган минтақанинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ хусусиятлари, худуднинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар ва тажрибада ўрганилган навнинг таснифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқот ишлари 2022-2024 йиллари Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида жойлашган Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба далаларида, оч тусли бўз тупроқлар шароитида олиб борилиб, тажрибада ширин маккажўхорининг “Замон” ва “Мазза” навларини ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига уруғларини экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларининг таъсири уч йил давомида ўрганилди.

Тажриба 24 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда уч ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенглиги 90 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир бўлакчалар майдони 360 м², ҳисобга олинандиган майдон 180 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 2,6 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (донли экин – дуккакли экин) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада ширин маккажўхорининг Давлат ресстрига киритилган “Замон” ва “Мазза” навлари экилди.

Тажрибада ширин маккажўхорининг “Замон” ва “Мазза” навлари

уруғларини уч хил экиш (90x10, 90x15, 90x20) тизимида экилиб, маъданли ўғитларнинг тўрт хил (Ўғитсиз, N₁₂₀P₁₀₀K₆₀, N₁₅₀P₁₂₀K₇₅, N₁₈₀P₁₄₀K₉₀) меъёрларида қўлланилиб ўрганилди.

Тажриба майдонларини танлаш ва вариантларни жойлаштиришда “Дала тажрибаларини ўтказиш услубиятлари” (2007) услубий қўлланмасидан, ширин маккажўхори ўсимлигида фенологик кузатув ва ҳисоблаш ишларини олиб боришда «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (М, Колос, 1964) услубий қўлланмасидан, олинган натижаларга математик-статистик ишлов беришда Б.А.Доспеховнинг «Методика поливного опыта» (М, 1985) услубномасидан фойдаланилди. Доннинг сифат кўрсаткичлари ГОСТ 10842-89 1000 дона дон вази, ГОСТ 7698-93 крахмал миқдори асосида олиб борилган.

Диссертациянинг **“Экиш тизимлари ҳамда маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ширин маккажўхори навларининг ўсиб ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган учинчи бобида уруғ экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ширин маккажўхори навларининг кўчат қалинлигига, ўсув даври давомийлигига, ўсиб ривожланишига, барг сатҳининг шаклланишига, қуруқ модда тўплаш жадаллигига, фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларига, ҳосил элементларининг шаклланишига, дон ва қуруқ поя ҳосилдорлигига, донининг сифат кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ширин маккажўхори навларининг кўчат қалинлигига таъсири сезиларли бўлиб, маъданли ўғитлар меъёрлари органи сари униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлиги ҳам юқори бўлиб борган.


Жумладан, уруғлар 90x10 тизимда гектарига 111,1 минг туп назарий кўчат қалинлигида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг N₁₈₀P₁₄₀K₉₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда амал даври охирида кўчат қалинлиги “Замон” навида 95,4 туп/пм, “Мазза” навида 95,1 туп/пм, униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлиги “Замон” навида 91,3 фоизни, “Мазза” навида 90,9 фоизни ташкил этиб, маъданли ўғитларнинг N₀P₀K₀; N₁₂₀P₁₀₀K₆₀; N₁₅₀P₁₂₀K₇₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан кўчатлар сони “Замон” навида 1,9-6,0 туп/пм гача, “Мазза” навида 2,6-6,6 туп/пм гача, униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлиги “Замон” навида 2,4-6,0% гача, “Мазза” навида 2,5-6,2 фоизгача юқори бўлгани кузатилган.

Уруғлар 90x15 тизимда гектарига 74,1 минг туп назарий кўчат қалинлигида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг N₁₈₀P₁₄₀K₉₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантда кўчат қалинлиги ўрганилганида, “Замон” навида 65,2 туп/пм, “Мазза” навида 65,0 туп/пм ни, униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлиги “Замон” навида 94,2 фоиз, “Мазза” навида 93,6 фоизни ташкил этиб, маъданли ўғитларнинг N₀P₀K₀; N₁₂₀P₁₀₀K₆₀; N₁₅₀P₁₂₀K₇₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан кўчат қалинлиги “Замон” навида 0,8-3,4 туп/пм, “Мазза” навида 1,3-3,7 туп/пм гача, униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлиги “Замон” навида 1,4-5,0%, “Мазза” навида 1,3-

4,9% гача юқори натижа кўрсатгани аниқланган.

Уруғлар 90x20 тизимда гектарига 55,5 минг туп назарий кўчат қалинлигида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитларнинг $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантлар таҳлил қилинганида “Замон” навида 49,3 туп/пм, “Мазза” навида 49,1 туп/пм ни, униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлиги “Замон” навида 95,8 фоиз, “Мазза” навида 95,5 фоизни ташкил этиб, маъданли ўғитларнинг $N_0P_0K_0$; $N_{120}P_{100}K_{60}$; $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан кўчат қалинлиги “Замон” навида 0,5-1,8 туп/пм, “Мазза” навида 0,6-1,9 туп/пм гача, униб чиққан кўчатларнинг сақланувчанлиги “Замон” навида 1,5-3,9%, “Мазза” навида 1,6-4,3% гача юқори натижа кўрсатгани маълум бўлган.

Тажрибада парвариш қилинаётган ширин маккажўхори навларининг пишиш фазасида поя баландлиги вариантлар кесимида ўрганиб борилганида, юқори натижалар уруғлар 90x10 тизимда гектарига 111,1 минг туп назарий кўчат қалинлигида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 90x15 ва 90x20 тизимда гектарига 74,1-55,5 минг туп назарий кўчат қалинлигида экилиб, маъданли ўғитлар билан озиклантирилмаган вариантларга нисбатан “Замон” навида 1,2-6,4 см, “Мазза” навида 3,6-8,4 см, $N_{120}P_{100}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 5,1-11,1 см, “Мазза” навида 3,3-8,5 см, $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 7,8-14,9 см, “Мазза” навида 8,6-15,2 см, $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 8,3-15,1 см, “Мазза” навида 9,2-16,1 см гача юқори бўлгани қайд этилган.



1-расм. Экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар меъёрларини ширин маккажўхори навларининг кўчат қалинлигига ва поя баландлигига таъсири

Ширин маккажўхори навларида ривожланиш фазалари кесимида бир туп ўсимликда барг сатҳининг шаклланиши ўрганиб борилганида, юқори барг сатҳи

рўваклаш фазасида кузатилиб, барг сатҳи бўйича юқори натижалар уруғлар 90x20 тизимда гектарига 55,5 минг туп назарий кўчат қалинлигида парвариш қилинган вариантларда қайд этилиб, уруғлар 90x10 ва 90x15 тизимларда гектарига 111,1-74,1 минг туп назарий кўчат қалинликларида парвариш қилинган вариантларга нисбатан маъданли ўғитлар билан озиклантирилмаганида “Замон” навида 159,8-206,0 см², “Мазза” навида 152,5-1925,6 см², N₁₂₀P₁₀₀K₆₀ кг/га меъёрлари билан озиклантирилганида “Замон” навида 197,8-392,6 см², “Мазза” навида 178,6-389,4 см², N₁₅₀P₁₂₀K₇₅ кг/га меъёрлари билан озиклантирилганда “Замон” навида 447,0-620,4 см², “Мазза” навида 535,9-737,5 см², N₁₈₀P₁₄₀K₉₀ кг/га меъёрлари билан озиклантирилганида “Замон” навида 350,8-578,7 см, “Мазза” навида 321,0-626,1 см² гача юқори натижа кўрсатгани аниқланган.

Ширин маккажўхори навларининг биологик қуруқ модда тўплаш жадаллиги ривожланиш фазалари кесимида ўрганилганида юқори натижалар пишиш фазасида аниқланиб, юқоридаги қонуниятлар такрорлангани ҳолда бир туп ўсимлик ҳисобида уруғлар 90x20 тизимда гектарига 55,5 минг туп назарий кўчат қалинлигида парвариш қилинган вариантларда кузатилиб, уруғлар 90x10 ва 90x15 тизимда гектарига 111,1-74,5 минг туп назарий кўчат қалинлигида парвариш қилиниб, ўсув даврида маъданли ўғитлар қўлланилмаган вариантларга нисбатан “Замон” навида 5,4-12,1 г/туп, “Мазза” навида 5,1-11,8 г/туп, маъданли ўғитларнинг N₁₂₀P₁₀₀K₆₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 13,7-22,0 г/туп, “Мазза” навида 6,6-18,7 г/туп, N₁₅₀P₁₂₀K₇₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 20,2-29,5 г/туп, “Мазза” навида 19,6-25,2 г/туп, N₁₈₀P₁₄₀K₉₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 19,9-27,0 г/туп, “Мазза” навида 20,9-27,3 г/туп гача юқори натижа кўрсатгани кузатилган.

Ширин маккажўхори навларининг фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларига қўлланилган агротехник тадбирларнинг таъсири вариантлар кесимида ўрганиб борилганида, юқори натижалар (Рўваклаш – сўта чиқариш фазасида) уруғлар 90x15 тизимда гектарига 74,1 минг туп назарий кўчат қалинлигида экилган вариантларда қайд этилиб, уруғлар 90x10 ва 90x20 тизимларда гектарига 111,1-55,5 минг туп назарий кўчат қалинликларида экилиб, маъданли ўғитлар билан озиклантирилмаган вариантларга нисбатан “Замон” навида 0,09-0,21 г/м²/кун, “Мазза” навида 0,10-0,17 г/м²/кун, маъданли ўғитларнинг N₁₂₀P₁₀₀K₆₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 0,17-0,64 г/м²/кун, “Мазза” навида 0,17-0,59 г/м²/кун, N₁₅₀P₁₂₀K₇₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 0,34-0,59 г/м²/кун, “Мазза” навида 0,30-0,48 г/м²/кун, N₁₈₀P₁₄₀K₉₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 0,36-0,68 г/м²/кун, “Мазза” навида 0,29-0,62 г/м²/кунга юқори бўлгани аниқланган.

Уруғ экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар билан озиклантириш меъёрларини ширин маккажўхори навларида ҳосил элементларининг шаклланишига таъсири вариантлар кесимида таҳлил қилинганида юқори натижалар уруғлар 90x20 тизимда экиб етиштирилган вариантларда қайд этилгани кузатилган.

1-вариант

Экиш тизимлари ва маъданли ўғитлар меъёрларини ширин маккажўхори навларида ҳосил
элементларининг шаклланишига таъсири

№	Ширин маккажўхори навлари	Экиш схемаси	Макъданли ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га	Битта сўтадаги донлар сонни, дона	Бир тупда донлар сонни, дона	Битта сўтадаги донлар оғирлиги, г.	Бир тупда донлар оғирлиги, г.	1000 дона дон оғирлиги, г.	
1			Ўғитсиз	235,8	283,0	28,8	34,5	122,1	
2		90x10	N120 P100 K60	307,5	430,5	41,1	57,6	133,8	
3			N150 P120 K75	329,4	527,0	47,3	75,6	143,5	
4			N180 P140 K90	332,3	598,1	48,4	87,1	145,7	
5			Ўғитсиз	263,1	342,0	38,4	49,9	145,9	
6	Замон	90x15	N120 P100 K60	324,5	519,2	53,6	85,8	165,2	
7				N150 P120 K75	342,9	617,2	65,9	118,6	192,1
8				N180 P140 K90	346,8	693,6	67,3	134,6	194,0
9				Ўғитсиз	270,5	351,7	40,7	52,9	150,3
10		90x20	N120 P100 K60	335,6	570,5	61,3	104,2	182,7	
11			N150 P120 K75	351,1	702,2	71,0	142,0	202,2	
12			N180 P140 K90	355,8	747,2	73,2	153,6	205,6	
13			Ўғитсиз	231,6	277,9	27,1	32,5	116,8	
14		90x10	N120 P100 K60	297,7	446,6	37,4	56,1	125,6	
15			N150 P120 K75	320,1	544,2	43,8	74,4	136,7	
16			N180 P140 K90	325,3	585,5	45,6	82,0	140,1	
17			Ўғитсиз	258,9	336,6	36,2	47,1	139,8	
18	Мазза	90x15	N120 P100 K60	301,3	512,2	48,5	82,4	160,9	
19				N150 P120 K75	338,0	608,4	63,7	114,6	188,4
20				N180 P140 K90	340,4	680,8	64,9	129,8	190,7
21				Ўғитсиз	261,5	340,0	38,3	49,8	146,5
22		90x20	N120 P100 K60	320,8	577,4	56,3	101,3	175,4	
23			N150 P120 K75	344,1	688,2	67,8	135,6	197,1	
24			N180 P140 K90	349,5	734,0	70,7	148,4	202,2	


Жумладан, ширин маккажўхорининг “Замон” нави уруғлари 90x20 тизимда гектарига 55,5 минг туп назарий кўчат қалинлигида экиб етиштириш уруғларни 90x10 ва 90x15 тизимларда гектарига 111,1-74,1 минг туп назарий кўчат қалинликларида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитлар билан озиклантирилмаган вариантларга нисбатан битта сўтада донлар сони 7,4-34,7 донага, бир тупда донлар сони 9,7-68,7 дона, битта сўтада донлар вазни 2,3-11,9 г., бир тупда донлар вазни 3,0-18,4 г., 1000 дона дон оғирлиги 4,4-28,2 г., маъданли ўғитларнинг $N_{120}P_{100}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан битта сўтада донлар сони 11,1-28,1 донага, бир тупда донлар сони 51,3-140,0 дона, битта сўтада донлар вазни 7,7-20,2 г., бир тупда донлар вазни 18,4-46,6 г., 1000 дона дон оғирлиги 17,5-48,9 г., $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан битта сўтада донлар сони 8,2-21,7 донага, бир тупда донлар сони 85,0-175,2 дона, битта сўтада донлар вазни 5,1-23,7 г., бир тупда донлар вазни 23,4-66,4 г., 1000 дона дон оғирлиги 10,1-58,7 г., $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан битта сўтада донлар сони 9,0-23,5 донага, бир тупда донлар сони 53,6-149,1 дона, битта сўтада донлар вазни 5,9-24,8 г., бир тупда донлар вазни 19,0-66,5 г., 1000 дона дон оғирлиги 11,6-59,9 г. гача юқори натижа кўрсатгани аниқланган.

Ширин маккажўхорининг “Мазза” нави уруғлари 90x20 тизимда гектарига 55,5 минг туп назарий кўчат қалинлигида экиб етиштириш уруғларни 90x10 ва 90x15 тизимларда гектарига 111,1-74,1 минг туп назарий кўчат қалинликларида экилиб, ўсув даврида маъданли ўғитлар билан озиклантирилмаган вариантларга нисбатан битта сўтада донлар сони 2,6-29,9 донага, бир тупда донлар сони 3,4-62,1 дона, битта сўтада донлар вазни 2,1-11,2 г., бир тупда донлар вазни 2,7-17,3 г., 1000 дона дон оғирлиги 6,7-29,7 г., маъданли ўғитларнинг $N_{120}P_{100}K_{60}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан битта сўтада донлар сони 19,5-23,1 донага, бир тупда донлар сони 65,2-130,8 дона, битта сўтада донлар вазни 7,8-18,9 г., бир тупда донлар вазни 18,9-45,2 г., 1000 дона дон оғирлиги 14,5-49,8 г., $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан битта сўтада донлар сони 6,1-24,0 донага, бир тупда донлар сони 79,8-144,0 дона, битта сўтада донлар вазни 4,1-24,0 г., бир тупда донлар вазни 21,0-61,2 г., 1000 дона дон оғирлиги 8,7-60,4 г., $N_{180}P_{140}K_{90}$ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларга нисбатан битта сўтада донлар сони 9,1-24,2 донага, бир тупда донлар сони 53,2-148,5 дона, битта сўтада донлар вазни 5,8-25,1 г., бир тупда донлар вазни 18,6-66,4 г., 1000 дона дон оғирлиги 11,5-62,1 г. гача юқори натижа кўрсатгани қайд этилган.

Ширин маккажўхори навларининг дон ҳосилдорлиги вариантлар кесимида ўрганиб чиқилганида, юқори натижалар уруғлар 90x15 тизимда гектарига 74,1 минг туп назарий кўчат қалинлигида экиб етиштирилган вариантларда аниқланиб, уруғлар 90x10 ва 90x20 тизимларда гектарига 111,1-55,5 минг туп назарий кўчат қалинликларида экилиб, маъданли ўғитлар қўлланилмаган вариантларга нисбатан “Замон” навида 1,2-3,1 ц/га, “Мазза” навида 1,0-3,2 ц/га, маъданли ўғитларнинг $N_{120}P_{100}K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга

нисбатан “Замон” навида 5,8-7,1 ц/га, “Мазза” навида 5,4-7,0 ц/га, N₁₅₀P₁₂₀K₇₅ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 5,7-6,9 ц/га, “Мазза” навида 7,5-8,7 ц/га, N₁₈₀P₁₄₀K₉₀ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларга нисбатан “Замон” навида 7,0-9,1 ц/га, “Мазза” навида 6,5-9,2 ц/га гача қўшимча дон ҳосили етиштирилгани аниқланган.

